

THEORETICAL AND LEGAL ISSUES OF THE INSTITUTE FOR GENDER AND LEGAL EXAMINATION OF LEGISLATIVE DOCUMENTS IN FOREIGN COUNTRIES

Mahmudov Lazizjon Mirzaevich
Master of Tashkent State University

Abstract: Today, in Uzbekistan, which has entered the New Renaissance, is renewing and developing in all areas, all spheres are taking on a new content and form, which is to increase women's political, economic and social activity, to increase their gender equality, to increase their gender equality. It is seen not only as a fair treatment of women, but also as one of the main conditions for ensuring the country's economic growth, stability and all-round development

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИ ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ИНСТИТУТИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Махмудов Лазизжон Мирзаевич
ТДЮУ магистри

Бугунги кунда Янги Ренессанс даврига қадам қўйган, янгиланаётган ва ҳар соҳада ривожланиб бораётган Ўзбекистонда барча жабҳалар янгича мазмун-у шакл касб этиб борар экан, улар баробарида хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш, гендер тенгликни таъминлаш аёлларга нисбатан шунчаки адолатли муносабат сифатида эмас, балки мамлакатнинг иқтисодий ўсишини давом эттириш, барқарорлиги ва ҳар томонлама ривожланишини таъминлашнинг асосий шартларидан бири сифатида кўриб чиқилмоқда.

Бу борада биринчи қадам 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида ўз аксини топган бўлиб, унга кўра хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар, деб эътироф этилган. Хотин-қизлар ва эркеклар тенглиги – уларнинг тенг ҳуқуқ ва мажбуриятлар соҳиби эканлигини англатади. Хотин-қизлар ва эркеклар тенглиги – демократиянинг муҳим элементидир. Бу тенглик фуқароларнинг давлат, қонун ва суд олдида расмий тан олинадиган ҳуқуқий тенглиги бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг қайси жинсга мансублигидан қатъи назар тенг ҳуқуқ ва эркинликка эга эканлигини англатади.

Мазкур соҳада жорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак, қонунчилик ҳужжатларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг назарий-ҳуқуқий масалалари **ҳуқуқ оиласи** ўхшаш ва фарқли бўлган, **географик жойлашуви**, ҳудудий жиҳатдан турли минтақаларга тегишли бўлган, ҳаттоки **давлат тузилиш ва бошқарув шакли** турли бўлган **диний ва дунёвий** давлатлардв турлича эканлигига амин бўлдик. Жумладан, Испанияда 2007 йилда «Аёллар ва эркеклар тенг ҳуқуқлигини тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган бўлиб, Испания ҳукумати ҳузурида гендер тенгликни таъминловчи комиссия ташкил этилган. Мамлакатда гендер тенгликни таъминлашга оид стратегик режаларни қабул қилиш, аёллар ва эркекларга давлат секторидаги лавозимларда ишлашга, сиёсий ҳаётда

иштирок этишга бўлган ҳуқуқини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати амалга оширилади. Шунингдек, қонун ҳужжатларининг гендер тенгликка таъсири ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб баҳоланади.

Шунингдек, **Австрияда** 2013 йилда ўтказилган федерал бюджет ислоҳотидан сўнг, парламент томонидан норматив ҳужжатларнинг эркаклар ва аёллар ўртасидаги «ҳақиқий» тенглик нуктаи назаридан таҳлилини, шунингдек барча янги қонунлар, қонуности ҳужжатлар ва бошқа йирик давлат лойиҳаларининг гендер гуруҳларига таъсирини баҳолаш жорий этилди. Бу эса ўз навбатида мамлакат учун қонун ҳужжатларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказишдаги янги қадам бўлган.

Белгия мамлакатада эса, “Гендер тенглик тўғрисида”ги 2007 йилда қабул қилинган қонунга биноан, давлат бошқарувида оид ишлаб чиқиладиган ҳар бир қонун ҳужжатида гендер тенглик соҳасидаги стратегик мақсадлар кўрсатилиши кераклиги, ҳар бир қонун лойиҳаси ёки таклиф қилинадиган стратегик дастур «гендер экспертиза» дан ўтиши кераклиги ва федерал ҳукумат қонунчилик актининг биринчи қисмида гендер тенглиги бўйича стратегик мақсадларни ўз ичига олиши кераклигини белгилайди. Албатта, қонунда ушбу босқичларни мониторинг қилиш ва баҳолаш кўзда тутилган.

Грузия ҳукумати ҳузурида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказувчи Кенгаш 2012 йилда ташкил этилган бўлиб, кенгаш қонун ҳужжатларининг гендер тенгликка таъсирини мониторинг ва баҳоланиши ҳам амалга оширади. Биз юқорида таҳлил қилган мамлакатларда гендер-ҳуқуқий экспертиза мазкур давлатлар қонунчилигининг бир қисми ҳисобланади. Яъни бундай экспертиза қонунчилик актларидаги жинсга оид камситишларнинг ҳар қандай турини батараф қилишга қаратилган”¹.

Гендер тенглик ҳақида турли ҳукуматларнинг ўз тарихий, миллий қарашлари, мафқуралари бўлганидек, хусусан, “**Виктория ҳукуматининг** (Ҳинд океанида, Африканинг шарқий соҳили яқинидаги Сейшел оролларида жойлашган давлат, пойтахти Виктория шаҳри) гендер тенглиги ҳақидаги ғоясида:

- хавфсиз ва тенг ҳуқуқли жамиятда яшаш;
- қувват, ресурс ва имкониятлардан тенг фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш;
- кадр-қиммат, ҳурмат ва адолат билан муносабатда бўлиш илгари сурилган.

Хавфсиз ва кучли – бу Виктория штатидаги гендер тенглиги стратегияси бўлиб, гендер тенглигига эришиш бир кунда содир бўлмайди. Шунинг учун Виктория ҳукумати ўлчовли ҳаракатлар билан етакчилик қилмоқда. Биз энг яхши амалиётни моделлаштирмоқдамиз ва аёллар етакчилиги учун мақсадларни белгилаяпмиз. Биз ҳурмат ва адолат маданиятини шакллантириш учун жамоалар, мактаблар, иш жойлари, корхоналар ва ташкилотлар билан ишлаймиз. Гендер тенглигини таъминлашда барчамизнинг ролимиз бор. Гендер тенглигининг афзалликлари – бу ҳар бир инсон гендер тенглигидан фойдаланишидадир. Бу аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишга ёрдам беради, иқтисодиёт учун фойдалидир ва жамоаларимизни хавфсизроқ ва соғлом қилади. Бизнинг гендер тенглик стратегиямиз қуйидаги соҳаларда гендер тенгсизлигини кўриб чиқмоқдамиз: етакчилик, маданий ўзгариш, хавфсизлик, иш, иқтисодий хавфсизлик, соғлиқ ва фаровонлик”², дейди ҳукумат ва гендер тенгликни таъминлаш бўйича қонунлар экспертизасини амалга оширувчи ишчи гуруҳ аъзолари.

¹<http://www.xabar.uz/uz/huquq> Anvarova.D Qonun hujjatlarini-gender-huquqiy-ekspertizadan-o'tkazish-zaruratmi?

²<https://www.vic.gov.au/gender-equality-what-it-and-why-do-we-need-it>

Ўз ўзидан кўриниб турибдики, Европа мамлакатларида гендер экспертиза Ўзбекистон Республикаси каби маълум кенгаш, комиссия ёки ҳукумат қошидаги тегишли бўлимлар орқали ўтказилади. Уларнинг асосий иш фаолияти қонунлар, қонуности ҳужжатлар ва қонун лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, уларни мониторинг қилиш, баҳолаш ва демократик давлат қуришда имкон қадар идеаллашган қонунчилик базасини шакллантиришдан иборат. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари ўзининг гендер-ҳуқуқий баҳоланиш доирасига кўра ҳам маълум соҳаларга бўлинади. Мисол учун юқорида кўриб ўтганимиз Испания давлатида асосий гендер-ҳуқуқий экспертиза давлат сиёсати ва сиёсий бошқарув соҳасида етакчиликни эгалласа, Белгия, Австрия давлатларида гендер-ҳуқуқий экспертиза у қайси соҳа бўлишидан қатъий назар, умумий ва ҳақиқий таҳлилни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатлари тўғрисида”ги 562 сонли қонунига асосан мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари гендер-ҳуқуқий экспертизаси турли жинс вакилларига тақдим этиладиган тенг ҳуқуқ ва имкониятлар қафолатидан келиб чиққан ҳолда соҳавий тармоқларга (соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан, маданият, оилавий муносабатлар ва болалар тарбияси, ижтимоий ҳимоя, сиёсий, иқтисодий соҳаларга) ажратилган. Бу эса гендер-ҳуқуқий экспертизанинг нечоғлик мукамал ва профессионал амалга оширилишидан далолатдир.

Қиёсий таҳлил сифатида диний давлат – “**Араб дунёсида** гендер тенгсизлиги масаласи кўп йиллар давомида жамоатчилик эътиборини тортиб келмоқда. Бироқ, диний қарашлар кучли бўлган, ислом ақидаларига бўйсунувчи ушбу давлатларда гендер тенгликни катта ҳажмдаги ҳақиқий маълумотлар асосида таҳлил қилиш имконияти минтақанинг етти мамлакатида ўтказилган “**Араб барометри**” лойиҳаси туфайли яқинда пайдо бўлди. Маълумотлар шуни кўрсатадики, мусулмон мамлакатларида ва хусусан, Араб Шарқида аёлларнинг мавқеи замонавий инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги нутқда ҳам, қадриятларни ўрганишда ҳам муҳим муаммо бўлиб келган. Эркакларга боғлиқ бўлган, бизнесни юритишга қодир бўлмаган ва давлатни бошқаришга қодир бўлмаган аёлларга нисбатан муносабат уларнинг ҳуқуқларини бузилишига олиб келади шунингдек, минтақа давлатларининг иқтисодий қолоқлигига олиб келади, чунки турмуш қурган аёлларнинг аксарияти меҳнат бозорига жалб қилинмайди. Аёлларга нисбатан бундай муносабат кўпинча Ислом дини ва маданияти қадриятлари ва анъаналари билан боғлиқ ҳамда уларнинг қонунчилигида гендер-ҳуқуқий экспертизанинг ўтказилиши ҳалигача очик масала сифатида қолмоқда. Бироқ, бу фикрни тасдиқлаш керак. Ушбу тадқиқотимизда биз диндорлик даражасининг гендер тенглиги билан боғлиқ қадриятларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қиламиз. Бундан ташқари, аёлларга нисбатан кўпроқ консерватив муносабат кекса авлод вакилларига хос бўлса, араб дунёси ёшлари бу масалага нисбатан эркинроқ муносабатда бўлишади. Бу шуни англатадики, ёшроқ, кўпроқ маълумотли ва бадавлат ва кам диндор одамлар, айниқса, тенглик ва гендер тенглигини қўллаб-қувватлашга мойиллигини намоиш этадилар. Бундан ташқари, аёллар эркакларникига қараганда қадриятлар тўпламида тенгрокдирлар”³. Мусулмон халқларининг гендер

³ Eduard D. Ponarin and Veronika V. Kostenko. (2013). Attitude to Gender Equality in the Arab East The National Research University "Higher School of Economics.,P 1838-1840.

* Eduard D. Ponarin* and Veronika V. Kostenko. (2013). Attitude to Gender Equality in the Arab East The National Research University "Higher School of Economics.,P 1838-1840.

тенглиги борасидаги қоқоқлигини назарий тушунтиришни Самуел Хантингтоннинг (Хантингтон, 1996) асарларида топиш мумкин, унда у совуқ урушдан кейинги давр Ғарб насронийлиги ўртасидаги цивилизатсиялар тўқнашувига дуч келмоқда, деб таъкидлайди. С. Хантингтон фикрича, мусулмон жамиятлари ривожланмаган индивидуализм билан либерал ва демократик кадриятлар билан боғлиқ бўлган кучли раҳбарларни афзал кўришади. Шунингдек, у мусулмон давлатлари дунёдаги аёллар энг заиф мавқега эга минтақадир, деб тахмин қилмоқда. Ушбу тахминлар Роналд Инглехарт ва Пиппа Норрис томонидан миқдорий маълумотлар бўйича синовдан ўтказилди (Инглехарт, Норрис, 2003а). Бу билан ислом жамиятлари аҳолиси демократияга интилаётгани исботланди⁴.

Яманда эса, индекс 0 дан 1 гача бўлган миқёсда кодланган, бу ерда 0 консерватив (шовинист), 1 - либерал деган маънони англатади. Шундай қилиб, индекс қанчалик юқори бўлса, респондент гендер тенглиги ғоясини қўллаб-қувватлайди. Гендер тенглигига бўлган муносабатни ва гендер-ҳуқуқий экспертизани амалга ошириш юқоридаги етти мамлакатда қуйидаги сифатлар билан аниқланган:

- (1) турмушга чиққан аёл, агар хоҳласа, ишламайди;
- (2) одатда эркаклар сиёсий соҳада аёлларга қараганда кўпроқ муваффақиятга эришадилар, аёллар учун бу соҳада имкониятлар қанчалик мавжуд;
- (3) олий маълумот ўғил болалар учун қизлардан кўра муҳимроқдир;
- (4) эркаклар ҳам, аёлларда ҳам мансаб имкониятлари тенг бўлиши керак;
- (5) эркаклар ва аёлларга тенг иш учун тенг равишда ҳақ тўланиши керак;
- (6) аёл, агар хоҳласа, ёлғиз ўзи чет элга саёҳат қилиши мумкин;
- (7) аёл мусулмон давлатининг президенти ёки бош вазири бўлиши мумкин.

Араб давлатларининг гендер-ҳуқуқий экспертизасига кўра, таълим даражаси қанчалик юқори бўлса, респондент гендер тенглигини қўллаб-қувватлашга шунча мойил бўлади. Минтақадаги модернизатсия жараёнлари архаизатсия жараёнларига параллел, чунки ҳар бир ёш тоифасидаги маълумотли одамлар гендер тенглиги тўғрисида кўпроқ эркин қарашларга содиқ қолмоқдалар.

Тадқиқот натижаларига кўра Араб дунёсида бир вақтнинг ўзида иккита тенденция амалга оширилмоқда деган хулосага келиш мумкин: модернизатсия ва архаизатсия. Биринчи тенденция доирасида 2007 йилда "Араб барометри" лойиҳасининг биринчи тўлқини пайдо бўлган пайтда 25-35 ёшдаги кишиларнинг ёш гуруҳи учун максимал даражага етган маълумотли одамлар сонининг ўсиши натижасида гендер –ҳуқуқий экспертиза ва гендер тенгликни таъминлаш кучайган. Аксинча, кадриятларнинг жамиятдаги гендер роллари ҳақидаги кўпроқ архаик ғоялар йўналиши бўйича ўзгариши минтақани исломлаштириш жараёнлари туфайли содир бўлиб, 65 ёшдан катта бўлган энг кам маълумотли тоифадаги эркаклар энг консерватив, шовинистик позитсияларни намойиш этади. Бунда ҳар бир ёш тоифасидаги ўқимишли одамлар ўз ёшига қараганда кўпроқ либерал қарашларга эга⁵.

Юқоридагиларга асосланиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин: мамлакатимиз тараққиёти халқ ғаровонлиги, аҳолининг, турли жинс вакилларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий соҳалардаги тенглигини таъминлаш билан узвий чамбарчас боғлиқ экан, бу

⁴ <https://cyberleninka.ru/article/n/attitude-to-gender-equality-in-the-arab-east>

⁵ Abou-Habib, L. (2003). Gender, Citizenship, and Nationality in the Arab Region. Gender and Development, 11/3, P 66-75.

борадаги кенг кўламли ишларни амалга оширишда давлат органлари ва бошқа ваколатли соҳа ташкилотларининг хизмати бениҳоя каттадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», НМИУ, 2018. 56-б.
2. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни”. 2021 йил 20 апрель, ЎРҚ-682-сон. <https://www.lex.uz>
3. “Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 944-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-5997-сон [Фармони](#) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами
5. Ўзбекистон Республикаси “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги 562 сонли Қонуни,.02.09.2019.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 192 сонли Қарори., 30.03.2020.
7. Ўзбекистон Республикаси “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги қонуни 14.04.1999.
8. Сайдуллаев Ш. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. – Тошкент: ТДЮ, 2018.
9. <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/en/home/blog/2020/how-uzbekistan-is-changing-its-attitudes-towards-womens-rights>. Muallif: Maja Lofstrom / Birlashgan Millatlar Tashkilotining O'zbekistondagi Taraqqiyot Dasturi.
10. <https://gender.stat.uz/uz/o-gendernoj-statistike-uz/obshchaya-informatsiya-uz>